

## **ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШДА ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚҮЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Сулаймонов Махмуджон Шухратбекович**

*Андижон давлат педагогика институти эркин изланувчиси.*

**Аннотация:** Фуқаролик позицияси шахснинг дунёқараши ва маданияти билан боғлиқ жараён бўлганлиги сабабли кўпчилик ҳолатларда мана шу масалаларга эътибор қаратилади. Тезисда фуқаролик позициясини шакллантиришда илгор хорижий тажриба ва уни Ўзбекистонда қўллаш истиқболлари баён этилган.

**Калит сўзлар:** фуқаролик позиция, давлат тузуми, демократик қадриятлар, ёшлар, глобал ахборот макон, жамият, аҳлоқий қадриятлар.

Фуқаролик позицияси жамият ва давлат ҳаёти ташкил қилишнинг муҳим йўналишларидан биридир. Шу сабабли дунёнинг барча давлатларида ҳам фуқароларнинг маърифатли бўлиши, давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалаларида фаол иштирок этиши учун тегишли шарт-шароит яратиб беришга – фуқаролик позициясини шакллантиришга катта эътибор қаратилади. Дунё давлатларининг ташкил топиши ва тарихи турлича. Бу эса ўз ўзидан фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки, мавжуд масалаларга ёндашувни турлича бўлиши олиб келган. Мисол учун, диний ақидалар хукмронлик қиласиган давлатларда фуқароларнинг диний туйғулари орқали фуқаролик позицияси шакллантирилса, монархия шаклидаги давлат бошқарувида монарх ва унинг оиласи, кўп йиллик тарихи ва шонли анъаналари бу борада муҳим ўрин тутади. Демократик давлатларда эса асосий эътибор давлат тузуми, демократик қадриятларни қарор топтириш ва конституция ва қонунлар устуворлигига қаратилади. Биз

куйида Россия Федерацияси, Туркия, Қозогистон, Қирғизистон Республикалари мисолида фуқаролик позициясини шакллантиришга доир илғор тажрибаларни кўриб чиқамиз.

Шу билан биргаликда бутун дунёда ҳам фуқаролик позициясининг элементлари, унинг қарор топиши ва такомиллашуви жараёни буйича маълум бир уйғунлик мавжуд. Мисол учун, ёшларда фуқаролик позициясини шакллантиришда қуидаги шахсий фазилатлар бўлиши талаб этилади. Биринчидан, ватанпарварлик ҳисси. Ватанпарварлик – ўзи туғилиб ўсган юртнинг ягона ва тақрорланмас эканини англаб етиш, уни бошқа жойга алмаштириб бўлмаслигига бўлган юксак ишонч ва мамлакат тараққиёти ҳамда хавфсизлиги учун ўзини масъул ҳис қилиш билан кечадиган жараёндир. Бу эса фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим роль ўйнайдиган ва унинг асосини ташкил қиласидиган ҳиссиёт ҳисобланади. Демократик давлатларда фуқаролик масалалари давлат ва шахснинг сиёсий алоқалари, унинг бирлиги ва ягоналигини таъминлайдиган ҳислат ҳисобланади. Ватанпарварлик бутун мамлакатни севища ифода этилса, фуқаролик ҳисси унинг давлат ва жамият институтлари ҳаётидаги фаол иштироки, ўз муносабати масъулият билан ифода этиш, мавжуд ижтимоий ва сиёсий жараёнларга нисбатан жавобгарлик ҳисси билан кечадиган жараёндир. Бу эса фуқаролик позициясини шаклланишида муҳим роль ўйнайдиган иккинчи муҳим йўналиш ҳисобланади. Учинчидан, фаол ҳаётий позиция ҳам бу жараёнда маълум роль ўйнайди. Глобал ахборот маконида кучли ғоявий қарама-қаршилик ва турли туманлик ҳукм сурган бир вактда ёшларнинг қай масалалар энг муҳим, қайсилари муҳим ва қайсилари ҳал қилиниши кутиб туради, деган муҳим саволга жавоб беришга қийналадилар. Бу эса ёшларда ижтимоий-сиёсий жараёнлардан ўзини четга олиш, давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим жараёнларни билмаслик ва хабарларни кузатмаслик, шунингдек давлат сиёсий институтларининг қандай ишлашини тушунмаслик каби ҳолатларга олиб келмоқда. Фаол

ҳаётий позиция нафақат давлат ва жамият ҳаётидаги масалалар, балки ўзининг шахсий камолоти, оиладаги ўрни роли, таълим ва меҳнат жамоаларидағи иштироки билан ҳам боғлиқдир. “— З, яъни бугунги ёш авлод алоҳида аудитория хисобланади. Биз уларни ахборот уммонига ғарқ бўлган ёки янгиликлар тўфонида қолиб кетган, деб ўйлаймиз, — дейди Беруний Алимов. — Ваҳоланки, ёш авлод фақат ўзига керакли бўлган ахборотни, хусусан, қисқа ҳажмдаги матнларни ўқииди. Тахлилий материалларга эътибор бермайди. Нима учун? Сабаби, улар ҳар соҳадан бир шингил янгилик топишни исташади.

Чунки уларда “қисқа ўйлаш” (инглизча “clip thinking”, русчада “клиповое мышление”) жуда яхши шаклланган. Битта ахборот мавзусига чукур кириб боришга ёки бир мавзуга атрофлича таҳлилий ёндашилган материални ўқиб ўтиришга уларда вақт ҳам, имконият ҳам чегараланган. Шундан келиб чиқиб, улар бирор масалага жиддий ва чукурроқ киришишга ўзларида сабр-тоқат топа олмайди.” Бу эса фаол ҳаётий позицияни шаклланишига тўсиқ бўладиган омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Тўртинчидан, жамият қадриятлар тизимидағи юксак аҳлоқий туйғуларнинг шакллантириш ва мана шундай фазилатларга эга бўлиш фуқаролик позициясини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Аҳлоқий қадриятлар глобал ахборот макони таъсирида ниҳоятда кучли трансформацияга учрамоқда. Дунё миқёсида “оммавий маданият” ва неолиберал қадриятлар интервенцияси анъанавий жамиятлар ҳаётига тубдан ўзгартириш киритмоқда. Миллий қадриятлар ҳар бир жамиятларда ҳам мана шундай таъсир шароитида маълум ўзгаришларга учрамоқда. Янги аҳлоқ қандай бўлиши керақ, унинг неолиберал қадриятлар билан уйғунлиги масалалари фалсафа фанлари доирасида тадқиқ қилиниши керак бўлган мавзулардан бири бўлмоқда.

Умуман олиб қараганда фуқаролик позицияси шахснинг дунёқараси ва маданияти билан боғлиқ жараён бўлганлиги сабабли қўпчилик ҳолатларда

мана шу масалаларга эътибор қаратилади. Россия Федерациясида фуқаролик позициясига ёндашув масаласи кенг ўрганилган муаммолардан бири ҳисобланади. Россиялик олим Н.Н.Перепича фуқаролик позициясини шакллантиришнинг тўрт йўналишини ажратиб кўрсатган – аксиологик, социомаданий, меъёрий, мухит билан боғлиқ. Бу каби омиллар Россия Федерацияда ҳозирги мураккаб қарама-қаршилик шароитида айниқса долзарб аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Чунки, Россия Федерация учун ҳозирги давр ҳаёт-мамот масаласидир. Глобал қарама-қаршилик шароитида мамлакат ичкасидаги ижтимоий қатламнинг сиёсий элитани қўллаб-кувватлаши, ўз фуқаролик позициясини билдирган ҳолда мамлакат ҳаётини сақлаб қолиш учун ўз салоҳиятини намоён қилиши керак.

Россия Федерациясида фуқаролик позициясининг шакллантиришнинг хуқуқий асоси Конституция, “Таълим тўғрисида”ги қонунинг 48-моддаси, “2025 йилгача миллий таълим доктринаси”, “Россияда таълим соҳасида шахсни маънавий ва ахлоқий тарбиялаш ва ривожлантириш концепцияси” ва бошқа ҳужжатлар ҳисобланади.

Россиялик бир қатор педагоглар кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида фуқаролик позициясини шакллантириш учун ўлкашунослик методидан фойдаланишни тавсия этадилар. Ушбу мақолада қайд этилганидек, инсон, оила, кичик Ватан ва Ватан тамойили асосида ташкил этиладиган тадбирлар ёш болаларда фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қиласи. Бунда муаллифлар асосий эътибор қаратадиган жиҳат сифатида ўлканинг тарихий ва географик хусусиятларини ўргатиш орқали фуқаролик позициясини шакллантириш мумкинлигини эътироф этганлар. Ўзбекистоннинг ҳам бой тарихи, бой моддий ва маънавий мероси, юзлаб қадимий бино ва иншоатлари ҳамда ўзига хос анъаналари мавжуд. Мактаб давриданоқ ўқувчиларни ана шу масканларга ташрифини таълим дастурларининг таркибий қисми сифатида қабул қилиш орқали болаларда фуқаролик позициясининг элементи бўлган ватанпарварлик туйғусини

шакллантириш мумкин бўлади. Бундай ватанпарварлик маршрутлари учун ҳар бир вилоятда тарихий объектлар етарли бўлиб, йил давомида ўқувчиларни босқичма бочқич танишитириб бориш ва бу жараёнда асосий урғу Ўзбекистон қадимий давлатчиликка эга экани, бой маданий мерос, аждодларимизнинг илм-фан соҳасидаги муваффақиятларига қаратилиши ва ташриф буюриладиган обидалар ана шу маданиятнинг яққол намунаси сифатида тақдим этилиши зарур.

Россияда болалар ва ёшларда фуқаролик позициясини шакллантиришда ҳарбий-ватанпарварлик клубларининг ўрни алоҳида бўлиб келмоқда. Ўтган асрнинг 80-90 йилларида ветеренлар томонидан ташкил этилган бу клублар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, дастлабки ҳарбий кўникмаларни шакллантириш ҳамда ҳарбий соҳага ёшлар орасида қизиқишини кучайтиришга хизмат қилиб келган. Ҳозирги кунда ҳарбий ватанпарварлик клублари фаолияти Россия Федерацияси ҳукуматининг 2000 йил 24 июлдаги 551-сонли “Болалар ва ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик бирлашмалари тўғрисида”ти қарорига таянади.

**Ҳарбий-ватанпарварлик клубларининг  
вазифалари**

Болалар ва ёшларнинг ҳарбий-  
ватанпарварлик ва фуқаролик тарбиясига  
доир давлат сиёсатида иштирок этиш

Ўсиб келаётган авлодни Ватанни қурол  
билин ҳимоя қилиш, Ватанга садоқати ва  
ватанпарлик туғуларини шакллантириш

Ўзи туғилиб ўсан жой ва ватанининг тарихи  
ва маданиятини ўрганиш

Ҳарбийликнинг энг яхши анъаналарини  
ўрганиш ва кейинги авлодга ўтказиш

Ёшлар орасида сиёсий ва диний  
экстремизмга қарши курашиши

Болалар ва ёшларнинг жисмоний  
саломатлиги ва соғлом турмуш тарзини  
шакллантириш

Фуқароларни ҳарбий хизматга тайёргарлигида  
иштирок этиш



**Ilm fan taraqqiyotida raqamli iqtisodiyot va  
zamonaviy ta'limning o'rni hamda rivojlanish omillari**



Ҳарбий-ватанпарварлик клублари  
фаолиятининг асосий йўналиши

Спортнинг техник ва ҳарбий-амалий турлари бўйича иш ташкил этиш

Ватан тарихидаги мухим саналар иштирокчларининг эсдаликларини ёзиб қолиш, Ватан ҳимояси учун ҳалок бўлган ҳарбийларнинг шахсини аниқлаш бўйича экспедициялар уюштириш ва уларни номини абадийлаштириш

Ветеранларга ҳамда ўз хизмат вазифасини бажариш жараёнида вафот этган ҳарбий хизматчилар оиласлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари оиласларига ёрдам бериш

Ҳарбий шон-шараф ёдгорликларини қуриш ва уларни асраб-авайлашда иштирок этиш

Ғалаба кунлари ҳамда ўзи туғилиб ўсган жойнинг ҳарбий тарихи ҳамда армия ва флотнинг ҳарбий анъаналарига мувофиқ тадбирлар ўтказиш

Болалар ва ёшларнинг ҳарбий-спорт ҳамда соғломлаштириш лагерлари фаолиятини ташкил этиш

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Россия Федерациясида ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатининг асосида қайд этиб ўтилган клублар туради.

Болалик давриданоқ ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш натижасида фуқаролик позициясини шаклланиши ва ривожланиши анча самарали кечади. Ҳозирги кунда Россия Федерациясида ҳарбий-

ватанпарлик клублари сони 36 мингтага етган. Ҳарбий-ватанпарлик клуби ташкил этиш билан боғлиқ жараёнлар мана шу ҳужжатда акс этган.

Ушбу клублар фаолияти тартиби қуидагича. Йирик ҳарбий ёки ҳарбийлашган тузилмаларнинг нафақадаги офицерлари болалар ва ёшларни юқоридаги мақсад ва йўналишлардан келиб чиқиб жамоат ташкилоти шаклидаги бирлашмага тўплайди. Бу жараён асосий таълим олишга ҳалақит бермайди ва тадбирлар таътил вақтлари ёки дарсдан бўш вақтларда ўтказилади. Мисол учун, Бутурроссия десант қўшинлари ветеранлари бирлашган жамоатчилик иттифоқининг “Россия десантчилар иттифоқи” қошида юзлаб ҳарбий-ватанпарлик клублари фаолият кўрсатади.

Шу каби болалар ва ёшларнинг жамоат ташкилотлари Россиянинг армия, флот ва авиациясининг кўнгиллилар жамоат ташкилоти – ДОСААФ ва “Альфа” аксилтеррор ташкилоти ветеранларининг ҳалқаро асоссацияси қошида ҳам фаолият кўрсатади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, Россия Федерациясида ҳарбий ватанпарварлик ҳаракати фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди ва бу жараёндаги дастлабки босқич ҳисобланади. Ўзбекистонда ушбу амалиётни қўллаш истиқболлари мавжуд бўлиб, бу борадаги бўшлиқ ҳозиргача тўлдирилмаган. Мамлакатимизда ҳарбий-ватанпарлик ҳаракатини ташкил этиш бўйича жуда катта салоҳият бор. Ҳозирги мураккаб геосиёсий шароитда ушбу ҳаракатни ташкил этиш зарур бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Перепеча Н.Н. Условия формирования у студентов гражданской позиции. Вестник университета (ГУУ). – 2010. № 17. – С. 86-87.
2. <https://er-gosduma.ru/news/edinaya-rossiya-i-rosmolodezh-prodolzhat-voenno-patrioticheskoe-vospitanie-molodezhi-/> «ЕДИНАЯ

РОССИЯ» И РОСМОЛОДЕЖЬ ПРОДОЛЖАТ ВОЕННО-ПАТРИОТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ 27.09.2023.

3. <https://patriotsport.moscow/wp-content/uploads/2023/09/voenno-patrioticheskij-klub-2.0.pdf> - ВОЕННО-ПАТРИОТИЧЕСКИЙ КЛУБ.

4. <http://sdrvvdv.ru/voenno-patrioticheskie-kluby/> - Список военно-патриотических клубов Всероссийского союза общественных объединений

ветеранов десантных войск «Союз десантников России».

